

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛБОЕВА ГУЛҲАЁ ХОЛБОЕВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ
ҲАРАКАТ ФАОЛЛИГИНИ НОАНЪАНАВИЙ ЖИСМОНИЙ
МАШҚЛАР ВОСИТАСИ ЁРДАМИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ГИМНАСТИКА МАШҚЛАРИ МИСОЛИДА)**

13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2022

УДК: 796:338:89:28:078: (1-4)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical science**

Холбоева Гулҳаё Холбоевна

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини ноанъанавий жисмоний машқлар воситаси ёрдамида такомиллаштириш (гимнастика машқлари мисолида).....3

Холбоева Гулҳаё Холбоевна

Совершенствование двигательной активности дошкольников с помощью нетрадиционных упражнений (на примере гимнастических упражнений).....31

Kholboeva Gulhayo Kholboevna

Increasing the motor activity of preschoolers with non-traditional physical exercises (for example, gymnastic exercises).....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....63

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛБОЕВА ГУЛҲАЁ ХОЛБОЕВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ
ҲАРАКАТ ФАОЛЛИГИНИ НОАНЪАНАВИЙ ЖИСМОНИЙ
МАШҚЛАР ВОСИТАСИ ЁРДАМИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ГИМНАСТИКА МАШҚЛАРИ МИСОЛИДА)**

13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2022

The dissertation theme of Doctor of Philosophy (PhD) was registered at the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under № B2019.1.PhD /Ped 827

This dissertation was completed at the Samarkand State University.

The dissertation abstract has been published into three languages (Uzbek, Russian, English), and it has put into the web-site of the Scientific Council which is named after www.uzdjtsu.uz and Ziyonet Information Educational Portal (www.ziyonet.uz).


Scientific advisers:	Khaydarov Bakhtiyor Tojievich candidate of pedagogical sciences, professor
Official opponents:	Khankeldiev Sher Khakimovich doctor of pedagogical sciences, professor Khalmuradov Laziz Zarifboevich Doctor of philosophy on pedagogical sciences, docent
Leading organization:	Uzbek National University


The defense of the dissertation will be held at the meeting of the Scientific Council DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. at 12:00 o'clock, on «18th» January in 2022 at the Uzbek State University of Physical Education and Sports. (Address: 111709, Chirchik city, Tashkent region, 19, Sportchilar Street. Tel.: (0-370) -717-17 79,717-27-27, fax: (0-370) 717-17-76, Web Website: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz The Uzbek State University of Physical Education and Sport, Building A, the 2nd floor, hall of meetings.


The dissertation is available at the Information Resource Center of the Uzbek State University of Physical Education and Sports (registered under the number). Address: 111709, Tashkent region, Chirchik city, Sportchilar Street, 19. Tel.: (0-370) -717-17 79,717-27-27, fax: (0-370) 717-17-76

The abstract of the dissertation was distributed in 2022 on «18th» January
(Register Protocol No. 2 dated on «18th» January 2022)




M.R. Boltabaev
Deputy Chairman of the scientific council
awarding scientific degrees, doctor of
economical sciences, professor


M.Kh. Mirjamolov
Scientific Secretary of the Scientific Council
awarding of scientific degrees doctor of
philosophy, docent


F.A. Kerimov
Chairman of the academic seminar under the
scientific council awarding of scientific degrees,
doctor of pedagogical sciences, professor

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё мамлакатлари таълим тизимида болалар жисмоний тарбиясида кичкинтойнинг илк ёшидан бошлаб соғлиғини мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама уйғун ривожлантириш энг асосий талаблардан бири саналади. Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини сифатида, бола шахси ривожланишининг асосий пойдеворини яратишни таъминлашга қаратилмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси умумий таълим-тарбия тизимида муҳим ўринни эгаллайди, унинг асосий вазифаси болаларни баркамол ривожланишини таъминлаш, соғлом, жисмонан ривожланган ва мукаммал авлодни тарбиялаш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия мазмунини оптималлаштириш учун турли шакллари ишлаб чиқиш, мавжуд воситаларни турли ўйинлар асосида ташкил этиш, ҳаракат кўникмаларини шакллантириш ва жисмоний сифатларини ривожлантириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Аммо хорижий мутахассисларнинг тадқиқотларида гимнастика машқлари ёрдамида жисмоний тарбия машғулотларини моделлаштириш асосида дастурлар ишлаб чиқиш, ноанъанавий воситалар ва усулларни мақсадли йўналтириб, оқилона танлаб олиш етарлича тадқиқ қилинмаган. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўсиб улғайишида жисмоний фаоллик, асосий ҳаракатлар тартибига ҳос бўлган жараёнларни гимнастика машқлари орқали тизимли равишда ташкил этишни талаб этмоқда.

Республикамизда мактабгача ёшдаги болалар тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, ҳаракат фаоллигини оширишнинг янги воситаларини ишлаб чиқиш талабини қўймоқда. «Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда таълим сифатини юқори даражага олиб чиқиш, тизимда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, соҳада хусусий таълим ташкилотларини ривожланишига имкониятларни яратиш зарур»¹. Юқоридагиларни инобатга олиб, машғулотлар жараёнида ноанъанавий воситаларни қўллаш соҳанинг таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтаришда ҳамда болаларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланишида муҳим ўринни эгаллайди. Жисмоний тарбия машғулотларида ноанъанавий таълим методларини қўллаб, кўшимча вариатив дастурларни таълим тизими амалиётига жорий қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Болаларнинг жисмоний тарбиясида янги педагогик услубиятларни, технологияларни ва ёндашувларни ишлаб чиқиш юзасидан илмий тадқиқотларни олиб бориш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия жараёнида гимнастика машқларининг ноанъанавий шаклларида фойдаланган ҳолда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати. –Т.: 2017 йил 22 декабрь. Хабар.uz. 5 б.

жисмоний фаол ҳаракат даражасини оптималлаштириш вазифаси ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон «Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари» буйруғи ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика ва фан технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жисмоний маданият назарияси ва методологияси соҳасидаги тадқиқотлар болалар жисмоний маданият назарияси ва методологиясининг шаклланишига, уни такомиллаштириш ва ривожланишига ҳисса қўшади. Ўрганилган адабиётлар таҳлили ҳамда мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбиясидан маълумки, болалар саломатлигининг яхши даражада эканлиги жисмоний қобилиятларнинг яхши ривожланганлигидан дарак беради. Фаол ҳаракатланувчи болаларнинг жисмоний тайёргарлиги, ҳаракат кўникма малакаларининг шаклланганлик даражаси билан бевосита боғлиқдир. Бу борада жисмоний тарбия воситалари орқали дастлабки асосий ҳаракат, кўникма, малакаларини шакллантириш, жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш, ёш спортчи ва болаларни жисмоний тарбиялаш муаммосининг турли масалалари бўйича республикада Р.С.Саломов, Ш.Х.Ханкельдиев, Т.С.Усмонходжаев, Ф.А.Керимов, Х.А.Мелиев, Л.И.Пензуллаева О.В.Гончарова, Б.Т.Ҳайдаров, С.С.Тажибоев ва бошқалар илмий изланишлар олиб бориб, ўзларининг дарслик, ўқув қўлланма, мақола ва тезисларида болалар жисмоний тарбия ва спортга оид янги таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишган. Ўсмирлар ва мактабгача ёшдаги болаларни жисмонан соғломлаштириш, тиклаш ва жисмоний машқларни бажаришга ўргатиш методикаси бўйича А.К.Эштаев, Д.Х.Умаров, М.Н. Умаров, Р.Д.Халмухаммедов М.Х.Миржамолов, Э.В.Бабина, Г.М.Ҳасанова ва бошқа мутахассислар томонидан соҳага оид изланишлар олиб борилган. М.М.Нуриддинова, Л.З. Холмуродовларнинг тадқиқотларида мактабгача

ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш муаммосининг турли жиҳатларига эътибор қаратилган.²

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари олимлари В.М.Немеровский, М.П.Мухина, А.И.Кравчук, Н.А.Кузьмина, М.Е.Снигур, М.Ю.Золотова, М.А.Рунова, М.В.Прохорова, М.А.Кольцова Т.Ю.Логвина, Г.Ф.Агеева, А.М.Кабаева ва бошқа олимлар томонидан болаларни жисмоний ривожлантириш, жисмоний сифатларини ёш чегараларида ўрганиш, ривожланишда ортда қолган мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний қобилиятларини тиклаш муаммолари атрофлича ўрганилган.³

Хорижлик олимлардан мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбиялаш муаммоларига оид турли масалалар юзасидан Annabelle Tometich, R.M. Malina, Harsh Mahaset, Leach P., Piess S., Xnatiuk J.A., Melissa Torres, болалар ҳаракат қобилиятларини ривожлантиришни табақалаштириб ўрганиш бўйича М.Е. Anderman, К.Stanberry, S.Yilmaz, Н.Arnst, Alfred Knoph, D.A. Fontenoy, S.L.Krogh, каби олимлар илмий ва илмий-услубий ишларида ёритилган бўлиб, G.L.Lendert, Kindle Editionларнинг тадқиқотларида мавзунинг бошқа жиҳатлари ҳам кўзга ташланади.⁴

Олиб борилган тизимли тадқиқотларга қарамасдан ўқув ва услубий манбаларда мазкур диссертация мавзуси сифатида танланган, айнан мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тайёргарлиги, ҳаракат фаоллигини гимнастиканинг ноанъанавий шакллари орқали кенг қамровли ва кўп қиррали

² Р.С.Саломов, Ш.Х.Ханькелдиев, Т.С.Усмонходжаев. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия.Т.:2003 14.б.; Мелиев Х.А.Жисмоний тарбия. Т.:2003.-47 б; Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий-тадқиқотлар. Т. Ўқув қўлланма «Зар қалам». 2004.-35.б.: Умаров Д.Х., Умаров М.Н., Эштаев.А.К. Оздоровительно-развивающие виды основной гимнастики (Учебне пособие) 2005.-Б 152-157.: Пензулаева Л.И. 5-6 ёшли болалар учун жисмоний тарбия, машғулоти.Т.:2005-36.б.: Гончарова.О.В. Методика развития способностей детей младшего школьного возраста к проявлению высококонцентрированных взрывных усилий в процессе физического воспитания. Автореф. дисс.канд. пед. наук, Т., 2007.-34.б.:Умаров.Д.Х. Ёш гимнастикачилар жисмоний сифатларини тайёргарлик босқичида ривожлантириш технологияси. Педагогик фан номзоди дисс.Т.: УзГИФК, 2013-102 б.;Умаров М.Н., Бабина.Э.В., Ҳасанова.Г.М. Бошланғич босқичда ёш кизларни бадий гимнастика машқларига ўргатиш. Ўқув-услубий қўлланма. ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими.Т.:2013.-Б 69-71.:Миржамол М.Х. Ўзбекистонда имконияти чекланган ўқувчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини оширишнинг педагогик механизми. Дис. PhD: Чирчик. 2019.-Б 17-18. Нуриддинова М.М. Мактабгача ёшдаги болаларда ҳаракат кўникма ва малакаларни шакллантиришда ҳаракатли ўйинлар методикасидан фойдаланиш. Дис. PhD: Чирчик. 2020.-26 б.: Холмуродов.Л.З. Махсус жисмоний машқлар орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг координацион қобилитини ривожлантириш. Дис. PhD: Чирчик. 2019.-12 б. В.Т. Naydarov. Jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi (МТТ) СамДУ. 2020.-Б 14-16.

³ Немеровский.В.М. Игровая гимнастика в ДОУ и семье: учебное. пособие; В.М. Немеровский. -Псков: «Гименей»: 2004.-180 с.: Мухина М.П., Кравчук А.И. Формирование двигательных способностей дошкольников. ТиМФК: 2015.-13 с., Назаренко В.В. Москва, 2008.-175 с.:Кузьмина Н. А., Модернизация процесса физического воспитания детей младшего школьного возраста на основе индивидуализированной методики с учетом развития двигательных качеств: диссертация. Великие Луки:2010.-192 с.: Снигур.М.Е. Режим двигательной активности детей 6-7 лет в гипоконфортных условиях. Канд.пед. наук:Санкт-петербург 2011.-106 с.; Золотова М.Ю., Содержание физического воспитания детей младшего школьного возраста на основе ритмической гимнастики: Дис. 2011.-123 с.; Логвина.Т.Ю. Оптимизация режима двигательной активности дошкольников в зависимости от их возраста: Автореф. дис. канд. пед. наук. Минск, 2011.-24 с.; Рунова М.А. Двигательная активность ребенка 5-7 лет в детском саду. Учеб. пособие. М.:2011-С.49-53.:Агеева, Г.Ф. Стимулирование организованной и самостоятельной двигательной активности детей дошкольного возраста средствами физического воспитания 2013.-С 63-65.:Кабаева.А.М.Содержание спортивно-оздоровительного этапа подготовки детей дошкольного возраста в художественной гимнастике. канд.пед. наук: Санкт-петербург: 2018.-120 с.

⁴ Anderman E.M. - School effects on psychological outcomes during adolescence. Journal of Educational Psychology 2002.-P 795-796.: Stanberry K. Understanding Physical Development in Preschoolers. 2005.-P 14-15.: Yilmaz Arnst N.V., Ponomarev V.V. Motor preparedness of children of preschool age. ТиМФК: 2016.-P 31-35.; Fontenoy D. Quality physical education. Published in 2015 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization, Paris France © UNESCO 2015.-65 p.: Krogh.S.L & Morehouse, Early Childhood Education. Yesterday, Today, and Tomorrow, New York: Routledge. 2014.-16 p.: G.L.Lendert, Kindle Edition Outdoor Environment and Outdoor Activities in Early Childhood Education Okul Öncesi Eğitimde Dış Mekanlar ve Dış Mekan Aktiviteler. 2018.-56-57 p.

тадқиқотлар асосида ўрганилмаганлиги аниқланди. Ҳаракат фаоллигини ноанъанавий гимнастика машқлари воситасида ўрганиш муҳимлиги шу билан асосланадики, мазкур гимнастика спорт тури бўйича амалга ошириладиган методикалар мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия машғулотлари жараёнини ҳар томонлама янада оптималлаштиради ва самарадор услублар (аутомануал гимнастика, динамик стретчинг, хатха ёюга, фитбол гимнастикаси, ритмик гимнастика) тизими ва мазмунини такомиллаштиришга оид қўшимча илмий, илмий-услубий ишланмаларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ SJM-01. «Жисмоний маданият таълимининг педагогик, психологик муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ноанъанавий гимнастика воситалари ёрдамида мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш учун ёшга мос ҳаракат кўникмаларини шакллантириш имкониятини кенгайтириш;

мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний фаоллик даражасини инобатга олиб, индивидуал ёндашув орқали мушаклар ҳаракатчанлигини уйғун тарбиялаш ва болалар аэробикасида фойдаланиш имкониятини кенгайтириш;

мактабгача ёшдаги болалар организмнинг функционал ва адаптив имкониятларидан келиб чиқиб, машғулотларни коррекциялаш услубиятини такомиллаштириш;

мактабгача ёшдаги болаларни мушак эластиклиги даражасини ошириш учун диққатни жамлаш, ҳаракатларни асимметрик ва асинхрон бажариш қобилиятини шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия машғулотларида ҳаракат фаоллигини ноанъанавий гимнастика машқлари ёрдамида такомиллаштириш жараёни олинган бўлиб, тажриба-синов ишларига Самарқанд шаҳридаги 76-сонли ДМТТ ва Тайлоқ туманидаги 38-сонли ДМТТ, Жиззах шаҳридаги 37-сонли ДМТТ ва «Афросиёб кучи» НМТТ, Навоий шаҳридаги 14-сонли ва 8-сонли ДМТТларининг 120 нафар тарбияланувчилари жалб қилинган.

Тадқиқот предметини мактабгача ёшдаги болалар ҳаракат фаоллигини оширишнинг ташкилий-услубий асослари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, сўровнома, антропометрия, шагометрия, машғулот жараёнининг таҳлили, соматоскопия, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, педагогик кузатувлар, пульсометрия, математик-статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш учун таянч-ҳаракат тизимидаги мушакларни (бўғинлар ва бойламлар) ривожланганлик даражаларидан келиб чиқиб мувозанат сақлаш ҳамда реабилитацияга йўналтирилган ноанъанавий аутомануал гимнастика машқларини тана қисмларига танлаб йўналтириш ҳисобига ёшга мос ҳаракат кўникмаларини шакллантириш имконияти кенгайтирилган;

мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний фаоллик даражасини инобатга олиб индивидуал ёндашув орқали мушаклар ҳаракатчанлигини уйғун тарбиялашга қаратилган логоритмик гимнастикада нутқ ва ҳаракатни бир хил ритм ҳамда темпда бажартириш ҳисобига болалар аэробика машғулотларидан фойдаланиш имконияти кенгайтирилган;

мактабгача ёшдаги болалар организмнинг функционал ва адаптив имкониятларидан келиб чиқиб, статик режимда умуртқа поғонаси мушак қайишқоқлигини ривожлантиришга қаратилган спринг эластика микромашғулотларини ишлаб чиқиш ҳисобига машғулотларни ўз вақтида тезкор коррекциялаш услубияти такомиллаштирилган;

мактабгача ёшдаги болаларни мушак эластиклигини ошириш учун диққатни жамлаш, машқлар орасида мувозанат сақлаш интервалини узайтириш даражасидан келиб чиқиб Хатха йога асаналари машқларида ҳаракатни ассиметрик ва асинхрон йўналишини киритиш ҳисобига ҳаракат фаоллигини ошириш имконияти кенгайтирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳаракат фаоллигини ошириш шакллари, усуллари ҳамда воситалари, биз томонимиздан ишлаб чиқилган мактабгача ёшдаги болаларни ташкилий ва мустақил ҳаракат фаоллигини ошириш ва такомиллаштириш услубияти мактабгача таълим ёшидаги болалар билан жисмоний тарбия машғулотларини ташкил қилишда қўлланилган;

илмий-назарий материаллар, ўқитиш тамойиллари, машқдан фойдаланиш усуллари, шунингдек, ҳаракат фаоллигини ошириш бўйича илмий ва амалий тавсиялардан мактабгача таълим тизимида, мактабгача таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия машғулотлари учун янги ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларнинг назарий-услубий жиҳатдан асосланганлиги, илмий тадқиқотнинг изчил бажарилганлиги, мантиқий ёндашувга эга эканлиги, услубларнинг тадқиқот мақсади ва вазифаларига тўлиқ мос келиши, илмий-услубий адабиётлардаги маълумотларнинг етарлича ўрганилганлиги, олинган маълумотларга замонавий компьютер техникасининг маълум дастурларидан фойдаланиб ишлов берилганлиги, натижаларнинг тегишли ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган педагогик тажрибалар асосида олинган тадқиқот натижалари жисмоний тарбия машғулотларида болаларни ҳаракат фаоллигини ошириш воситалари ва услубларини такомиллаштириш модели ва дастурини ишлаб чиқиш эвазига,

мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялашда функционал ривожланиши, жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлик натижалари билан ўзаро боғлиқликда бўлган ҳаракат фаоллигини оптималлаштириш технологияларини ноанъанавий гимнастика воситалари ёрдамида мувофиқлаштириш ҳисобига болаларнинг жисмоний фаоллигининг ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг малакасини ошириш курслари, Олий ўқув юртларида мактабгача таълим ва спорт йўналиши учун ўқув қўлланмалар ишлаб чиқиш ва МТТ жисмоний тарбия мутахассисининг касбий фаолияти давомида касбий компетентлигини ривожлантириш, мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш имконияти кенгайтириш, статик режимда спринг эластика микромашғулотларини ишлаб чиқиш ҳисобига машғулотларни коррекциялаш, ҳаракатни ассиметрик ва асинхрон йўналишини киритиш ҳисобига машқларни бажариш вақтини узайтириш, мактабгача таълим ташкилотларига жорий қилинадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тузиш ҳамда ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш учун ишлаб чиқилган машқлар асосида:

реабилитацияга йўналтирилган ноанъанавий (аутомануал) гимнастика воситаларини тана қисмларига танлаб йўналтириш бўйича таклифлар «Мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний тарбия назарияси» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Самарқанд давлат университети кенгашининг 2020 йил 29 февралдаги 7-сон қарорига асосан 140-рақамли нашр рухсатномаси). Натижада 3-7 ёшли болаларнинг ҳаракат фаоллиги кўрсаткичлари 11,32% га ортганлиги аниқланган;

мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш ҳамда мушакларининг ҳаракатчанлигини уйғун тарбиялашга қаратилган логоритмик гимнастика, болалар аэробикаси машғулотларини ташкил қилиш бўйича таклифлар «Мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний тарбия назарияси ва методикаси» номли дарслик мазмунига сингдирилган (Самарқанд давлат университети кенгашининг 2020 йил 29 сентябрдаги 2-сон қарорига асосан 217-рақамли нашр рухсатномаси). Натижада болаларнинг жисмоний сифатлари 14-16%га яхшиланган;

мактабгача ёшдаги болалар организмнинг функционал ва адаптив имкониятларидан келиб чиқиб, статик режимда спринг эластика микромашғулотларини қўллаш бўйича таклифлар «Мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний тарбия назарияси» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Самарқанд давлат университети кенгашининг 2020 йил 29 февралдаги 7-сон қарорига асосан 140-рақамли нашр рухсатномаси). Натижада болаларнинг эгилувчанлик имкониятлари 18% га яхшиланганлиги аниқланган;

мактабгача ёшдаги болаларни Хатха йога асаналари воситасида ҳаракатни ассиметрик ва асинхрон йўналишини киритиш бўйича таклифлар

асосида мактабгача ёшдаги болалар учун «Ёш гимнастикачилар» жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича қўшимча умумий ривожланиш дастури амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2021 йил 9 мартдаги 03-07-08-846-сон маълумотномаси). Натижада 6-7 ёшли болаларда функционал кўрсаткичлар 5,46% га ривожланганлиги кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий-услубий иш, жумладан 2 та ўқув-услубий қўлланма, 1 та ўқув қўлланма, 1 та дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларида 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 128 саҳифали матн, 17 та расм, 19 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш муаммоси юзасидан илмий-услубий адабиётлар таҳлили»** деб номланган биринчи бобда мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний соғломлаштириш ва ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат фаоллигини ошириш муаммолари, жисмоний ривожланиш қонунияти, мазкур ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия ва соғломлаштиришга йўналтирилган ўқув машғулот жараёнини ташкиллаштиришда мавжуд муаммолар таҳлили, болаларнинг жисмоний қобилиятларини шакллантириш ва мустақамлаш масалалари, мактабгача таълим ташкилоти кун тартибида болаларнинг фаол ҳаракатга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, махсус жисмоний машқларни қўллаш аҳамияти ва илмий-услубий моҳияти мутахассис-олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва хулосалари асосида очиб берилган.

Олиб борилган илмий тадқиқотларнинг якуний хулосалари, мактабгача таълим ташкилотларидаги анъанавий жисмоний тарбия машғулотларининг мазмун-моҳияти, ҳажми ва шиддатининг номукамаллиги, болалар индивидуал имкониятларининг инобатга олинмаганлиги билан ўсиб келаётган ёш организмнинг талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини исботлаб берди.

Жисмоний тарбия машғулотлари бўйича илгари ишлаб чиқилган дастурларнинг номукамаллиги яна шундаки, унинг асосий мақсади соғломлаштирувчи эмас, балки таълимий хусусиятга эга, мактабгача таълим жисмоний тарбия тизимида болаларнинг жисмоний ривожланиши ва функционал тайёргарлигини инобатга олган ҳолда жисмоний машқларга ноанъанавий ёндашувнинг мавжуд эмаслигидадир.

Соғломлаштириш ва жисмоний фаолиятни такомиллаштиришга йўналтирилган жисмоний тарбия ўқув дастурини қайта ишлаб чиқиш, болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш, гимнастика воситаларини янада такомиллаштириш, тикловчи реабилитация тадбирларини кўпайтириш керак, деган ёндашувлар ҳам мавжуд. Машғулот жараёнида жисмоний машқларнинг янги технологиялари очиб берилмаган, бу уларнинг самарали жисмоний фаолликни оширувчи ва соғломлаштирувчи машқ эканлигини англашда ва кейинчалик мустақил бажаришда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Жисмоний кўрсаткичларни яхшилаш, жисмоний сифатларни (чакқонлик, эгиловчанлик, тезкорлик, куч, чидамлилиқ) ривожлантиришга оптимал ҳаракат фаоллиги ёрдам беради. Ҳаракат фаоллиги-бу инсоннинг жисмоний ва

ақлий ривожланишини таъминлайдиган табиий ва махсус ташкил этилган фаолиятдир. Бу кундалик ҳаётда, уюшган ва мустақил жисмоний машқлар ва спортда бажариладиган ҳар хил жисмоний ҳаракатларнинг мажмуи ҳисобланади. Ҳаракат ҳаётнинг ажралмас қисми эканлиги кўплаб илмий изланишлар таҳлилида кузатилган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, гимнастика машқлари мактабгача ёшдаги боланинг ҳаракат фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Организмни барча тизимларининг шаклланиши ва ўсиши, шунингдек, руҳий ва жисмоний ривожланиши учун энергия асоси яратилади, бу тананинг морфофункционал ривожланиши ва уни такомиллаштиришнинг биологик стимулидир. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, жисмоний сифатларни ривожлантиришни ўз ичига олган ҳаракат фаоллигини такомиллаштиришга катта талаблар қўяди.

Диссертациянинг «Тадқиқот услублари ва ташкил этилиши» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотларни амалга ошириш учун қўлланилган илмий-тадқиқот услублари ҳамда ноанъанавий гимнастика воситалари ва модели асосида ҳаракат фаоллигини ошириш даражасини текшириш усуллари, дастлабки натижалар ёритиб берилган.

Тадқиқот ва педагогик тажрибани ташкил этиш масалалари, илмий ва илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, анкета сўровномаси, педагогик кузатувлар, шагометрия, педагогик назорат синовлари, педагогик назорат машқлари (тест), педагогик тажриба ва математик-статистик таҳлил услублари, тадқиқотни ташкил этиш юзасидан маълумотлар келтирилган. Тадқиқот мавзуси бўйича тадқиқот ишлари 2018-2021 йилларда уч босқичда олиб борилди.

Биринчи босқич (2018-2019 йиллар) илмий ва услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича ишларни ўз ичига олди. Самарқанд шаҳридаги 76-сонли ҳамда Тайлоқ туманидаги 38-сонли ДМТТ, Жиззах шаҳридаги 37-сонли ДМТТ, «Афросиёб кучи» («Лего») номли нодавлат МТТ, Навоий шаҳридаги 14-сонли ва 8-сонли ДМТТларда асосланган изланишлар тажрибаси шароитида турли хил услубий манбалар тўпланган.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбиясида ота-оналар ва мутахассисларнинг мулоҳазаси ва муносабатини ўрганиш, боланинг жисмоний тарбия билан шуғулланишларига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳамда мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини аниқлаш учун сўровнома ўтказилди, унда Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятларидан 120 нафар болалар, 40 нафар ота-оналар ва мутахассислар ҳамда республиканинг турли минтақаларидаги ташкилий ва ижтимоий тармоқларга аъзо 100 нафар кўнгилли мутахассислар иштирок этишди.

Иккинчи босқич (2019-2020 йиллар) мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ҳаракат фаоллиги, ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини ўрганишни ўз ичига олди. Тадқиқотда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 120 нафар болалар жалб қилинди. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва тадқиқот тажрибаси давомида олинган маълумотлар асосида мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини оширишда тадқиқот давомида олинган

натижалар асосида ишлаб чиқилган дастур ва моделнинг самарадорлигини синаш ва аниқлаш учун педагогик тадқиқот ўтказилди, унда 3-7 ёшли 120 нафар синалувчи иштирок этди. Бир йил давомида тажриба гуруҳи учун (60 нафар бола) ноанъанавий гимнастика воситалари ишлаб чиқилди ва махсус машқлар мажмуаси болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб ҳафтасига уч маротаба 20-35 дақиқагача давом этди. Ишлаб чиқилган дастурнинг самарадорлиги, ҳаракат фаоллиги ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини таққослаш, тадқиқот бошида ва тадқиқот охирида тажриба ва назорат гуруҳларидаги болаларнинг жисмоний ҳолатларини таҳлил қилиш орқали баҳоланди.

Учинчи босқич (2020-2021 йиллар) тажриба давомида олинган маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришни ўз ичига олган. Тажриба методологиясининг баъзи қоидалари аниқлаштирилди, тадқиқот натижаларининг ҳақиқийлиги ва ишончилиги объектив ва замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида олинган маълумотларнинг тўғри математик-статистик ишловидан, педагогик тадқиқотни ташкил қилишда 3-7 ёшдаги 120 нафар синалувчилар иштирокидаги тадқиқот ва таққослаш усули билан тасдиқланди.

Диссертациянинг «**Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини оширишнинг ноанъанавий услубий шакллари**» деб номланган учинчи бобда ишлаб чиқилган ноанъанавий гимнастика воситалари ва назарий тадқиқот моделининг болаларнинг ҳаракат фаоллигига ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичларига таъсири натижалари баён қилинган. Уларнинг фаол жисмоний қобилиятини яхшилаш шагометрия усули ва бир қанча махсус назорат машқлари асосида ўрганилди ҳамда қуйидаги хулосаларни келтириб чиқарди.

Жисмоний қобилиятнинг ривожланишини самарали бошқариш учун мактабгача ёшдаги болаларда ҳаракат фаоллигини ошириш ва такомиллаштириш, ҳар бир болада ташкилий ва мустақил ҳаракат фаоллиги даражасини аниқлаш ва шунга мувофиқ ноанъанавий гимнастика воситалари ҳамда усулларидан фойдаланиш зарур.

Ҳаракат фаоллигини ривожлантириш ва баҳолаш мезони шагометрия усули орқали жисмоний фаолликнинг оптимал меъёрлари таҳлил этилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Мактабгача ёш болалар жисмоний фаолликнинг оптимал меъёрлари (n=120)

Ёш (йил)	МТТ да кун давомида бажариладиган қадамлар сони (минг).
3	9-9,5
4	10-10,5
5	11-12
6	14- 15
7	14,5-15

Вақт нисбатини ҳаракат вақти ва ҳаракат фаоллигини ҳисобга олган ҳолда В.Н.Шишкина методикаси бўйича кўриб чиқиш таклиф қилинади (1-жадвал). Болани жисмоний фаоллигининг ўртача кўрсаткичини олиш учун бир ҳафта давомида йилига 3-4 мартадан кам бўлмаган текширув ўтказиш керак.

Биринчи кузатув ўқув йили бошида (сентябр), иккинчиси-ўқув йилининг ўрталарида (январь), учинчиси-йил охирида (май), тўртинчиси-августда ўтказилди.

1) ҳаракатчанлиги паст болаларнинг жисмоний фаоллиги ҳажми-кунига 2700-4500 қадам, 139 дан 212 дақиқагача давомийлиги-кунига 30-40 ҳаракат.


2) ўртача ҳаракатчанликдаги болаларни кунлик қадамларининг ўртача сони-5300-6700, жисмоний фаоллик давомийлиги-2,5-3 соат, шиддати дақиқада 32-56 ҳаракат;

3) ҳаракатчанлиги юқори бўлган болаларнинг ўртача кунлик қадамлари сони 8-10 минг қадам, давомийлиги ва шиддати кунига 139 дан 212 дақиқагача ва дақиқада 54-108 ҳаракат;

Болаларнинг ҳаракат фаоллигини, восита ва амалга ошириш усуллариини ўрганишда адабиётларни таҳлил қилишни яқунлаб, биз иккита муҳим жиҳатни қайд этдик:

боланинг ҳаракатга бўлган эҳтиёжини тўла-тўқис қондиришга, ҳаракат фаоллигини ривожланишига ёрдам берадиган энг муносиб фаолиятни йўлга қўйиш; ташкилий ва мустақил фаолиятда болаларнинг ҳаракат фаоллигини оптимал ташкил этиш усуллари ва воситаларини излаш.

Шунингдек, ҳаракатчанлиги турли хил бўлган болалар қуйидагича таҳлил қилинди:



1-расм. МТТ кун тартибда ҚФ ҳажми кўрсаткичларини меъёр билан солиштирилиши (қадамлар сони)

Изоҳ: МТТ-мактабгача таълим ташкилоти; ҚФ-ҳаракат фаоллиги.

Шундай қилиб, кичик гуруҳ мактабгача ёшдаги болаларнинг ҲФ даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида болаларнинг кўпчилиги (62%) ўрта даражага эга, тажриба гуруҳининг синалувчилари кўрсаткичи эса, ўртача даражадан юқори бўлган (68%); ўрта гуруҳ мактабгача ёшдаги болаларнинг ҲФ даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида кўпчилик болалар (75%) ўрта ҲФ даражасига эга, тажриба гуруҳида бу кўрсаткич 54%ни ташкил этди; катта гуруҳ мактабгача ёшдаги болаларнинг ҲФ даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги болаларнинг кўпчилиги (43%) ҲФнинг паст даражасига эга, тажриба гуруҳида кўпчилик (79%) ҳаракат фаоллиги ўртача даражасига эга болалардир. МТТнинг кун тартибида жисмоний фаолликнинг умумий ҳажмини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар қайд этилди.

Биз ҲФ ҳажмини шагометрия (қадамлар сони) усули билан аниқладик ва бу кўрсаткични математик ва статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаган ҳолда қуйидаги натижаларга эришилди:

кичик назорат гуруҳи болаларининг ҲФ ҳажмининг ўртача қиймати 7421 та қадам, тажриба гуруҳида 7530 та қадам (1-расмга қаранг); ўрта гуруҳ мактабгача ёшдаги болаларнинг ҲФ ҳажмининг ўртача қиймати-назорат гуруҳида 9680 та қадам, тажриба гуруҳида 9590 та қадам, катта гуруҳ мактабгача ёшдаги болаларнинг ҲФ ҳажмининг ўртача қиймати-назорат гуруҳида 10400 та қадам, тажриба гуруҳида 10530 та қадамни ташкил этди.

Олинган натижалар 3-7 ёшли болаларнинг кун тартибида жисмоний фаоллик кўрсаткичлари меъёри билан таққосланди ва қуйидагилар аниқланди:

Тажриба гуруҳи ўғил ва қиз болаларида жисмоний қобилятлари ривожланишининг тадқиқот бошидаги кўрсаткичлари белгиланган мезонлар орқали статистик таҳлил қилиш асосида махсус назорат машқлари, тестлари ва усуллари ёрдамида жисмоний қобилятлари ривожланганлик даражалари аниқланди (1-жадвалга қаранг).

«Чаққонлик» сифатини ривожлантиришга қаратилган «Олдинга 10 қадам 8 шаклида сакраб юриш» машқини бажаришда қуйидагича натижаларга эришилди: 7 ёшли ўғил болаларда $3,36 \pm 0,45$ сония, қизларда эса $3,27 \pm 0,44$ сония; 6 ёшли ўғил болаларда $4,33 \pm 0,54$ сония, қизларда $4,29 \pm 0,55$ сония кўрсаткичлари қайд этилди. Гимнастика ўриндиғида «Қўлларга таянган ҳолда, қорин билан судралиш» машқини бажаришда қуйидагича натижалар қайд этилди: 6 ёшли ўғил болаларда $6,77 \pm 0,73$ сония, қизларда эса $6,83 \pm 0,74$ сония; 7 ёшли ўғил болаларда $5,7 \pm 0,62$ сония, қизларда $5,86 \pm 0,65$ сония кўрсаткичлари кузатилди.

Ҳаракат фаоллигини ривожлантиришга қаратилган «Доира бўйлаб югуриш» машқини бажаришда қуйидагича натижаларга эришилди: 7 ёшли ўғил болаларда $3,64 \pm 0,54$ сония, қизларда эса $3,52 \pm 0,52$ сония; 6 ёшли ўғил болаларда $3,18 \pm 0,59$ сония, қизларда $3,11 \pm 0,57$ сония кўрсаткичлар қайд этилди.

Ҳаракат фаоллиги суст мактабгача ёшдаги болаларнинг мавжудлиги, фаол кун тартибини ташкил этиш учун ноанъанавий гимнастика воситалари ва

назарий моделини қўллаш орқали ёшга нисбатан тўлақонли шакллантириш зарурлигини кўрсатади.

2-жадвал

Тажриба гуруҳининг ўғил ва қиз болаларида жисмоний қобилиятларини ривожланишининг тадқиқот бошидаги кўрсаткичлари динамикаси n=30 (6-7 ёш)

Жисмоний меъёрлар			6 ёш		7 ёш	
			$\bar{X} \pm \sigma$	V %	$\bar{X} \pm \sigma$	V %
Эгилувчанлик	Ётган ҳолда кўприк ҳолатида туриш, сония	Ў	4,96±0,64	12,90	5,03±0,65	12,92
		Қ	4,58±0,59	12,88	4,67±0,55	12,21
	Тик турган жойдан эгилиш, см.	Ў	4,22±0,52	12,32	4,28±0,55	12,85
		Қ	4,31±0,51	11,83	4,42±0,52	11,76
Мушак ҳаракатчанлиги	Бурчак ҳолда ўтириб, кўлларни ён томонларга чўзиб (10 марта) ҳаракатланиш, сония	Ў	4,33±0,58	13,39	3,52±0,46	13,07
		Қ	4,48±0,57	12,72	3,62±0,48	13,56
Чакқонлик	Олдинга 10 кадам 8 шаклида сакраб юриш, кўллар белда, сония	Ў	4,36±0,45	10,32	3,33±0,36	10,81
		Қ	4,29±0,55	12,82	3,27±0,44	13,46
	Гимнастика ўриндиғида кўлларга таянган ҳолда, қорин билан судралиш, сония 2 марта.	Ў	4,24±0,63	14,86	4,14±0,61	14,73
		Қ	4,90±0,57	11,63	4,99±0,61	12,22
	Тўрт оёқлаб 10 метрга эмаклаш, (сония).	Ў	10,34±1,12	10,83	9,3±1,06	11,40
		Қ	11,28±1,26	11,17	9,17±1,09	11,89
Ҳаракат фаоллиги	Доира бўйлаб югуриш, 1 марта, сония	Ў	4,18±0,59	14,11	3,64±0,54	14,84
		Қ	3,59±0,45	12,53	3,52±0,43	12,22

Изоҳ: Ў-ўғил; Қ-қиз.

Қиз ва ўғил болаларда жисмоний қобилиятларининг ривожланишига оид маълумотлар қиёсий таҳлиliga кўра, ўғил болалар юқорироқ кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди. Тадқиқот давомида барча ёшдаги қизларда эгилувчанлик қобилиятининг ривожланиши юқорироқ кўрсаткичга эга эканлиги кузатилди. Бу еса жисмоний қобилиятларнинг яхшироқ шаклланганлиги ҳамда ўғил


болалардан кўра қизларда эгилувчанлик қобилиятини ривожланишининг юқорирок даражаси билан белгиланади (2-жалвалга қаранг).


3-жадвал

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини ривожлантириш учун махсус жисмоний машқлар мажмуаси (6-7 ёш учун)

№	Дастур бўлимлари*	Машқни бажариш давомийлиги	Меъёри	Дам олиш оралиғи	Ҳафта кунлари
1	Буюмлар орасидан 10 метрга "илонизи" югуриш	7-6 сония	2 марта	2 дақиқа	Душанба
	Икки қўл ёнда тиззалаб юриш (Эстафета)	жамоанинг ўртача кўрсатган натижасига кўра	1 марта	2-3 дақиқа	
	Оёқ учида 10 метрга юриш	11-12 сония	2 марта	2-3 дақиқа	
2	Гимнастика девори бўйлаб тирмашиш	15 сония ва ундан кам	2 марта	1-1,5 дақиқа	Сешанба
	Гимнастика ўриндиғида ўрта тезликда юриш	6,5 сония ва ундан кам	2-4 марта	30 сония	
	Гимнастика коптоги билан югуриш (эстафета)	жамоанинг ўртача кўрсатган натижасига кўра	1 марта	1,5-2 дақиқа	
3	Рангли гимнастика ҳалқасида югуриш	11,5-14,5 сония	2-3 марта	1,5-2 дақиқа	Чоршанба
	Эмаклаш (эстафета)	жамоанинг ўртача кўрсатган натижасига кўра	1 марта	1,5-2 дақиқа	
	Сакрамачок (скаалка) орқали сакраш, 10 сония	12-13 марта	2 марта	2-3 дақиқа	
4	Гимнастика таёқчасидан ҳатлаб ўтиш	21,5-24,5 сония (хар бир оёқ учун)	2-3 марта	1-1,5 дақиқа	Пайшанба
	Қопни кийган ҳолда югуриш (эстафета)	жамоанинг ўртача кўрсатган натижасига кўра	1 марта	2-3 дақиқа	
	Фитбол тўпини 10 метрга думалатиш	13-14 сония	1 марта	2-3 дақиқа	

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу махсус жисмоний машқлар мажмуаси ҳаракат фаоллиги даражасини ошириш мақсадида жисмоний сифат ва мушак ҳаракатчанлигини ошириш учун тажриба гуруҳидаги болалар учун восита сифатида қўлланилди ва амалиётга жорий қилинди (3-жадвал).





2-расм. Мактабгача ёшдаги болалар ҳаракат фаоллигини оширишнинг назарий модели.

Ҳаракат фаоллигининг даражаси паст бўлган болаларда, одатда чаққонлик қобилияти ривожланишининг паст кўрсаткичлари кузатилди.

Буларнинг барчаси ҳаракат фаоллигининг паст даражаси ва жисмоний қобилиятларнинг заиф ривожланганлигидан далолат беради.

МТ болаларнинг ҳаракат фаоллиги ва жисмоний қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш вақтида камҳаракатлилик кун тартибида ҳаёт кечирувчи болаларда жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражаси, ёшга хос ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш зарурдир.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу (2-расм) ноанъанавий гимнастика воситалари модели тажриба гуруҳидаги болалар учун восита сифатида қўлланилди ва амалиётга жорий қилинди.

Диссертациянинг «Тадқиқот самарадорлигини аниқлаш бўйича педагогик тажриба натижалари ва уларнинг муҳокамаси» деб номланган тўртинчи бобида мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаоллигини оширишда махсус гимнастика мажмуалари ва назарий моделини қўллаш самарадорлиги тажрибада текширилиб, оптималлаштирилган ҳаракат фаоллигини қўллашга оид услубий ёндашув очиб берилган.

Педагогик тадқиқотда 3-7 ёшли болалар қатнашдилар ($n=120$). Тадқиқотнинг барча қатнашчилари тажриба ва назорат гуруҳларига бўлинди: 3-7 ёшли тажриба гуруҳи (ТГ) ва 3-7 ёшли назорат гуруҳи (НГ). НГ да жисмоний тарбия машғулоти анъанавий МТ дастури асосида ўтказилди. ТГда эса машғулотлар биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва юқорида батафсил тушунтириб ўтилган ноанъанавий гимнастика воситалари ва модели асосида олиб борилди. Болаларнинг жисмоний тайёргарлиги, жисмоний ривожланганлиги ва ҳаракат фаоллиги даражасини аниқлаш учун махсус жисмоний машқлар ва синов меъёрларини акс эттирувчи назорат машқ (тест)лари қўлланилди. Бизнинг педагогик кузатувларимиз давомида ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича олинган натижалар болаларнинг ҳаракат фаоллиги даражасида нисбатан қандайдир фарқ борлигини кўрсатаётган бўлса-да, арифметик таҳлилларга кўра, тадқиқот олиб борилаётган гуруҳларнинг ўғил ва қиз болалари ўртасида катта фарқ кўзга ташланмади (2-жадвалга қаранг).

Тажриба гуруҳининг ўғил ва қиз болаларида жисмоний қобилиятлари ривожланишининг тадқиқот охиридаги кўрсаткичларини белгиланган мезонлар орқали статистик таҳлил қилиш асосида махсус назорат машқлари, тестлар ва усуллари ёрдамида жисмоний қобилиятларини ривожланганлик даражалари қайта кўриб чиқилди (4-жадвалга қаранг).

Эгилувчанликни ривожлантиришга қаратилган, «Ётган ҳолда кўприк ҳолатида туриш» машқини бажариш вақти куйидагича ўзгарди: 6 ёшли ўғил болаларда $5,49 \pm 0,74$ сонияга, қизларда эса $5,08 \pm 0,61$ сонияга; 7 ёшли ўғил болаларда $5,76 \pm 0,69$ сонияга, қизларда $5,16 \pm 0,63$ сония кўрсаткичларини қайд этди ($P < 0,001$). «Тик турган жойдан эгилиш» машқи 6 ёшли ўғил болаларда $4,51 \pm 0,65$ см, қизларда эса $4,61 \pm 0,66$ см; 7 ёшли ўғил болаларда $4,64 \pm 0,57$ см, қизларда $4,87 \pm 0,54$ см кўрсаткичларни қайд этди ($P < 0,001$).

Тажриба гурухи ўғил ва қиз болаларида жисмоний қобилиятлари ривожланишининг тадқиқот охиридаги кўрсаткичлари динамикаси (6-7 ёш) n=30

Жисмоний қобилиятлар	Меъёрлар	Жинси	6 ёш				7 ёш			
			$\bar{x} \pm \sigma$	V %	t	P	$\bar{x} \pm \sigma$	V %	t	P
«Эгилувчанлик»	Ётган ҳолда кўприк ҳолатида туриш, сония	Ў	5,49±0,74	13,48	2,87	<0,01	5,76±0,69	11,98	4,22	<0,01
		Қ	5,08±0,61	12,01	2,19	<0,05	5,16±0,63	12,21	3,23	<0,01
	Тик турган жойдан эгилиш, см.	Ў	4,51±0,65	14,41	1,75	>0,05	4,64±0,57	12,28	2,49	<0,05
		Қ	4,61±0,66	14,32	1,79	>0,05	4,87±0,54	11,09	3,29	<0,01
«Мушак ҳаракатчанлиги»	Бурчак ҳолда ўтириб, кўлларни ён томонларга чўзиб (10 марта) ҳаракатланиш, сония	Ў	4,02±0,53	13,18	2,14	<0,05	3,12±0,44	14,10	3,22	<0,01
		Қ	4,14±0,55	13,29	2,27	<0,05	3,23±0,46	14,24	3,01	<0,01
«Чакқонлик»	Олдинга 10 кадам 8 шаклда сакраб юриш, кўллар белда, сония	Ў	4,04±0,62	15,35	1,90	>0,05	3,08±0,41	13,31	2,22	<0,05
		Қ	3,94±0,61	15,48	2,12	<0,05	3,0±0,40	13,33	2,46	<0,05
	Гимнастика ўриндиғида кўлларга таянган ҳолда, қорин билан судралиш. 2 марта, сония	Ў	3,96±0,63	14,86	1,81	>0,05	3,79±0,53	13,98	2,37	<0,05
		Қ	4,65±0,53	11,40	1,76	>0,05	4,57±0,65	14,22	2,35	<0,05
	«Тўрт оёқ»лаб 10 метрга эмаклаш, сония	Ў	9,73±0,99	10,17	2,24	<0,05	8,47±0,95	11,22	3,11	<0,01
		Қ	10,64±1,16	10,90	2,05	<0,05	8,14±0,92	11,30	3,96	<0,01
«Ҳаракат фаоллиги»	Доира бўйлаб югуриш, 1 марта, сония	Ў	3,87±0,54	13,95	2,08	<0,05	3,23±0,46	14,24	3,17	<0,01
		Қ	3,36±0,48	14,29	1,76	>0,05	3,25±0,47	14,46	2,11	<0,05

Чакқонликни ривожлантиришга қаратилган «Тўрт оёқлаб эмаклаш» машқи куйидагича ўзгарди: 6 ёшли ўғил болаларда $9,73 \pm 0,99$, қизларда $10,64 \pm 1,16$ сонияга; 7 ёшли ўғил болаларда $8,47 \pm 0,95$, қизларда $8,14 \pm 0,92$ кўрсаткичлар қайд этилди.

Катта гуруҳ мактабгача ёшдаги болаларнинг тажриба ва назорат гуруҳларининг тажрибадан олдин ва кейин морфофункционал (5-жадвал) ҳолати кўрсаткичлари куйидаги натижаларни кўрсатди; тана узунлиги тести бўйича назорат гуруҳининг тадқиқот бошидаги кўрсаткичи $120,35 \pm 11,76$ бўлган бўлса, тажриба гуруҳида $117,67 \pm 13,67$ натижани кўрсатди.

5-жадвал

Тадқиқот-нинг бориши	Статистик хусусиятлар	Кўрсаткичлар					
		Тана узунлиги, см	Вазн оғирлиги, кг	ЎТС, л	ЮҚС, юкламадан сўнг, зарб/дак	Ўнг қўл кучи, кг	Чап қўл кучи, кг
Назорат гуруҳи							
Тажриба бошида	$\bar{X} \pm \sigma$	$120,35 \pm 1,76$	$22,54 \pm 2,44$	$0,95 \pm 0,094$	$124,70 \pm 15,44$	$5,64 \pm 0,61$	$5,56 \pm 0,66$
	V, %	9,77	10,83	9,91	12,38	10,82	11,87
Тажриба охирида	$\bar{X} \pm \sigma$	$126,24 \pm 2,04$	$24,16 \pm 2,53$	$1,01 \pm 0,093$	$117,26 \pm 14,22$	$6,05 \pm 0,63$	$6 \pm 0,68$
	V, %	9,54	10,47	9,21	12,13	10,41	11,33
Нисбий ўсиш		4,9	7,2	6,4	6,0	7,3	7,9
t		1,92	2,52	2,53	1,94	2,56	2,54
P		>0,05	<0,05	<0,05	>0,05	<0,05	<0,05
Тажриба гуруҳи							
Тажриба бошида	$\bar{X} \pm \sigma$	$117,67 \pm 3,67$	$21,74 \pm 3,24$	$0,91 \pm 0,12$	$127,44 \pm 14,86$	$5,83 \pm 0,86$	$5,66 \pm 0,78$
	V, %	11,62	14,90	13,19	11,66	14,75	13,78
Тажриба охирида	$\bar{X} \pm \sigma$	$129,96 \pm 4,26$	$25,56 \pm 3,65$	$1,02 \pm 0,13$	$115,32 \pm 12,97$	$6,84 \pm 0,96$	$6,56 \pm 0,86$
	V, %	10,97	14,28	12,75	11,25	14,04	13,11
Нисбий ўсиш		10,4	17,6	12,1	9,5	17,3	15,8
t		3,41	4,29	3,41	3,37	4,29	4,25
P		<0,01	<0,01	<0,01	<0,01	<0,01	<0,01

Катта гуруҳ мактабгача ёшдаги болаларнинг тажриба (n=30) ва назорат (n=30) гуруҳларининг тажрибадан олдин ва кейин морфофункционал ҳолати кўрсаткичларининг ўзгариши

Тадқиқот охирига келиб бу кўрсаткич назорат гуруҳида $126,24 \pm 12,04$ ни ташкил этди; тажриба гуруҳида эса, $129,96 \pm 14,26$ натижа қайд этилди. Вазн оғирлиги тадқиқот бошида назорат гуруҳида $22,54 \pm 2,44$ бўлса, тажриба гуруҳида $21,74 \pm 3,24$; тадқиқот охирига келиб бу кўрсаткич назорат гуруҳида

24,16±2,53, тадқиқот гуруҳида эса 25,56±3,65 натижани ташкил этди; ЎТС кўрсаткичлари тадқиқот бошида назорат гуруҳида 0,95±0,094 натижани ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳида бу кўрсаткич 0,91±0,12; тадқиқот якунидаги натижа назорат гуруҳида 1,01±0,093, тажриба гуруҳида эса 1,01±0,093 натижаларига ега бўлди: ЮҚС юкламадан сўнг тадқиқот бошида назорат гуруҳида 124,70±1544, тажриба гуруҳида 127,44±14,86; тадқиқот якунида эса назорат гуруҳида 117,26±14,22 тажриба гуруҳида 115,32±12,97. Ўнг қўл кучи-тадқиқот бошидаги кўрсаткич назорат гуруҳида 5,64±0,61, тажриба гуруҳида 5,83±0,86, тадқиқот охирида эса, назорат гуруҳида 6,05±0,63, тажриба гуруҳида 6,84±0,96 ни ташкил қилди. Чап қўл кучи-тадқиқот бошидаги кўрсаткич назорат гуруҳида 5,56±0,66, тажриба гуруҳида 5,66±0,78, тадқиқот охирида эса, назорат гуруҳида 6±0,68, тажриба гуруҳида эса, 6,56±0,86 ни ташкил қилди.

6-жадвал


Катта гуруҳ мактабгача ёшдаги ўғил болаларнинг тажрибадан олдин ва кейин тажриба (n=30) ва назорат (n=30) гуруҳларидаги жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг ўзгариши

Тадқиқотнинг бориши	Статистик хусусиятлар	Кўрсаткичлар				
		30 сония ўтириб туриш, марга	10 м га югуриш, сония	«Чизгич-ни ушла», см	Жойдан узунликка сакраш, м	Ўтирган ҳолда эгилиш, см
Назорат гуруҳи						
Тажриба бошида	$\bar{X} \pm \sigma$	23,64± 3,07	2,37± 0,35	37,46± 5,23	102,1± 10,56	4,10± 0,56
	V, %	12,99	14,77	13,96	10,34	11,84
Тажриба охирида	$\bar{X} \pm \sigma$	23,34± 3,14	2,29± 0,29	34,96± 4,69	108,8± 10,97	4,39± 0,51
	V, %	12,39	13,43	13,42	10,08	11,62
Нисбий ўсиш, %		7,2	8,9	6,7	6,5	7,2
t		2,12	2,53	1,95	2,40	2,46
P		<0,05	<0,05	>0,05	<0,05	<0,05
Тажриба гуруҳи						
Тажриба бошида	$\bar{X} \pm \sigma$	22,18± 3,06	2,58± 0,33	37,16± 4,42	102,5± 11,22	4,48± 0,62
	V, %	13,80	12,79	11,89	10,95	13,84
Тажриба охирида	$\bar{X} \pm \sigma$	24,96± 3,24	2,15± 0,28	33,49± 3,92	114,93± 11,98	5,06± 0,69
	V, %	12,98	12,44	11,70	10,42	13,64
Нисбий ўсиш, %		12,5	12,8	9,9	12,1	12,9
t		3,42	4,18	3,40	4,15	3,42
P		<0,01	<0,01	<0,01	<0,01	<0,01

Катта гуруҳ мактабгача ёшдаги болаларнинг тажриба ва назорат гуруҳларининг тажрибадан олдин ва кейин жисмоний тайёргарлик

